

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2023 йил 19 январь • №3 (1437)

## ЎЗБЕКИСТОН ВА СИНГАПУР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

**Давлатимиз раҳбарининг Сингапурга расмий ташрифи арафасида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Сингапур бизнес-форумида кимё, тўқимачилик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги саноати, таълим, соғлиқни сақлаш, логистика, шунингдек, IT-секторида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор соҳалари муҳокама қилинди.**

капитали иштирокидаги корхоналар сони 4, икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми эса 2 баробар ошди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишнинг энг истикболли чоралари сифатида минтақалараро транспорт-логистика лойиҳаларини амалга ошириш,

шув ва музокаралар бўлиб ўтди. Эътиборлиси бизнес-форум якунлари бўйича савдо, инвестициялар ва молия йўналишларида, кимё, энергетика ва тўқимачилик саноати, саноат зоналарини ривожлантириш, инфратузилмавий лойиҳаларини амалга ошириш ва озик-овқат маҳсу-

ликни сақлаш ва фармацевтика соҳаларида 23 та шартнома ва битимлар имзоланди.

Албатта, ушбу имзоланган битимлар орасида соғлиқни сақлаш йўналиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу тўғрида Соғлиқни сақлаш вазири Амирилло Иноятов оммавий ахборот воситаларига интервю берди:

— *Дарҳақиқат, Ўзбекистон-Сингапур бизнес-форумида биз жуда кўплаб компаниялар билан келишувларга эришдик. Барчамизга маълумки, Сингапур тиббиёти, таълими, фармацевтика саноати, нафақат Жанубий Осиёда, балки ривожланиши бўйича бутун дунёда 16-ўринни эгаллайди. Албатта, бундай йирик компаниялар бугун Ўзбекистон очик мамлакатга айланганини, юртимиз тиббиёти ва таълими, фармацевтика саноати жадал ривожланиб бораётганлигини жуда катта қизиқишлар билан эътироф этишди. Имзоланган битимнинг яна бир аҳамиятли жиҳати, мамлакатимиз учун бу жуда муҳим ҳисобланади. Яъни аёллардаги репродуктив саломатлик, аёл ва эркеклар бепуштлиги касалликларининг кўпроқ учраётганлиги, шунингдек, генетика молекуляр лабораторияларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда ушбу йўналишида кадрлар тайёрлаш масалаларига амалий ечим сифатида Virtus Health Singapore клиникаси билан амалий келишувга эришдик.*



Форум давомида иштирокчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция жозибадорлигини ошириш, инвесторлар ҳимоясини кучайтириш ва ташқи савдони либераллаштиришга қаратилган ислохотлар ҳақида маълумотлар берилди. Иштирокчилар эътибори икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокида янги инвести-

ция лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганлигига, савдо-саноат кооперацияси ривожланаётганлигига, умуман олганда, тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг ижобий динамикасига қаратилди. Кейинги йилларда Сингапурнинг Ўзбекистонга киритган инвестицияларининг ҳажми 700 миллион доллардан ошди, Сингапур

мавжуд транспорт йўлаклари ва инфратузилмаларидан фаол фойдаланиш йўналишлари белгиланди. Ўз навбатида, Сингапур томони Ўзбекистон билан кенг кўламли соҳаларда шериқликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда давом этиш нияти қатъий эканини тасдиқлади. Хусусан, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, тиббиёт таълими йўналишларида бир қатор учра-

лотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, қурилиш, таълим, соғ-

*Албатта, ушбу ҳамкорлик юртимизда фаолият олиб бораётган Самарқанд, Фарғона ҳамда Тошкент шаҳридаги перинатал марказлари негизида “Аёллар репродуктив саломатлик маркази”, шунингдек, “Генетик молекуляр лаборатория маркази” ҳамда “Аёллар ва эркеклар бепуштлигини аниқлаш ва даволаш марказ”ларини ташкил этиш орқали амалга оширилади. Бунда, табиийки соҳада кадрлар тайёрлаш масалалари ҳам муҳим ўрин тутади, — дейди Соғлиқни сақлаш вазири Амирилло Иноятов*

## ТУРКИЯ СОҒЛИҚ БИЛИМЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ФАХРИЙ ПРОФЕССОРИ УНВОНИ БЕРИЛДИ



Маълумки, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ҳамкорликдаги фаолиятлар янада кенг аудиторияга эга бўлиб бормоқда. Айниқса, тиббиёт муассасаларимизнинг фаолият борасидаги тажриба алмашувлари, мутахассисларимизнинг малака оширишлари, тиббиёт олийгоҳларининг ўзаро ҳамкорликлари давлатлар ўртасида тиббиёт тизимининг янада бардавом бўлишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Таъкидлаш муҳимки, 2022 йилнинг 14-19 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Соғ-

лиқни сақлаш вазири Амирилло Иноятов бошчилигидаги делегация аъзолари Туркия давлатининг Истанбул, Анқара ва Бурса шаҳарларида хизмат сафарига бўлиб қайтишган эди. Албатта, ташриф давомида мақсадли вазифалар ўзаро ҳамкорлик келишувларига асосан, белгилаб олинди. Шу ўринда айтишимиз лозимки, бундан 4 йил аввал, вазиримиз Амирилло Иноятовнинг ташаббуси билан Туркиянинг Соғлиқ билимлари университети факультети Бухоро давлат тиббиёт институтида ташкил

этилган эди. Айни кунда ушбу факультетда 550 нафар талаба таҳсил олмоқда. Куни кеча Соғлиқни сақлаш вазири Амирилло Иноятовга Туркия Соғлиқ билимлари университети ректори, профессор Жевдет Эрдол Туркия соғлиқ билимлари университетининг фахрий профессори унвонини топширди.

Албатта, инсонлар саломатлиги йўлидаги бундай хайрли ишлар ўзининг самарали натижаларини беришига ишончимиз комил.

Саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.

## ТИББИЁТИМИЗ ДАРҒАЛАРИ

**Ўзбекистонда гематология ва трансфузиология тараққиётига катта ҳисса қўшган олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти гематология ва трансфузиология кафедраси профессори, “Ҳурмат белгиси” ордени соҳиби Саиджалол Маҳмудович Баҳромов 1938 йил 22 январда Тошкент вилояти Оққўрғон туманида туғилган.**

Саиджалол Баҳромов мактабни аъло баҳоларга тугатгач, ҳужжатларини собиқ Тошкент тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)нинг даволаш факультетига топширди. 1962 йилда олийгоҳни тугатгач, ўзи таваллуд топган туманда дастлаб қорин тифи эпидемиясига қарши курашишдан бошлаган, сўнгра врач-терапевт-инфекционист, марказий шифохона бош врачлари ўринбосари лавозимларида фаолият олиб борди. Касбига меҳр қўйган ёш истеъдодли етук шифокор Саиджалол Баҳромов илмий салоҳиятини янада бойитиш мақсадида соҳа йўналишида изланишлар олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. 1964-1968 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида аспирантурада ўқиб, “Ўткир лейкозларда аутоиммун жараёнлар” мавзусидаги диссертациясини ёқлаб тиббиёт фанлари номзоди унвонига муяссар бўлди. Оққўрғон туман ҳокимлигининг таклифига кўра ёш шифокор туман марказий шифохонасида терапия бўлими мудири, сўнгра бош шифокор муовини ҳамда бош врач лавозимларида фаолият кўрсатди. Меҳнатсевар ҳамда касбига садоқат билан ёндошган тажрибали шифокорнинг сазой-ҳаракатлари билан мазкур тиббиёт муассаларида самарали ишлар амалга оширилди. Саиджалол Баҳромов 1970 йил якунида Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтига ишга таклиф қилинди ва конкурс асосида илмий ходим вазифасига ўтказилди. Илмий йўналишида олиб борган натижалари фаолиятлари инobatга олиниб, раҳбарият томонидан институт директорининг илмий ишлари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Ўз касбининг фидойиси бўлган, олим 1984 йилгача соҳадаги илмий ишларга бошчилик қилиб, 10 нафар фан доктори ва 40 нафар фан номзодларига раҳбарлик қилди.

Шу ўринда таъкидлаш муҳими, Саиджалол Баҳромов мамлакатимизда долзарб муаммо бўлган камқонлик касаллигига катта эътибор қаратиб, бу борада илмий изланишлар олиб борди. Унинг ташаббуси билан гемолитик камқонликлардан эритроцитлар энзимопатиялари ва ге-

моглобинопатиялар (жумладан, бета-талассемиялар) чуқур ўрганилди. Масалан, текширилган ўзбек популяциясига тааллуқли кишилар орасида глюкоза-6-фосфатдегидрогеназа эритроцитлар энзимопатия 1 фоиз учраб, республикамиз ушбу хасталик бўйича эндемик минтақа эканлиги аниқланди. Шунингдек, беморлар ичида аномал глюкоза-6-фосфатдегидрогеназа ферментлари ташувчилари борлиги аниқланди, ушбу аномал Г-6-ФДГ ферментлари

Темир биоэлементи билан бир каторда бошқа гемопоэтик таъсирга эга (мис, рух, марганец) биоэлементларнинг камқонликлар келиб чиқишидаги ўрни аниқланиб, бундай ҳолатларда коррекция қилиш усуллари яратилди. Олим ўз шогирдлари (Э. Исҳоқов, С. Ибрагимов ва бошқалар) билан биргаликда катталар ва болаларда ўткир лейкоз касалликларини халқаро андозаларга мос равишда кимётерапия ва адекват ҳамроҳ даволаш йўлига ўтказиб, ижобий натижаларга эришди.

Ўз касбининг билимдони, талабчан, ташкилотчи, жонкуяр ва камтарин инсон Саиджалол Баҳромов 1982-1984 йилларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий Кенгаши раиси ўринбосари, 1984-1985 йилларда эса вазир ўринбосари, шунингдек, 1985-1991 йилларда вазир лавозимида фаолият олиб борди. Шу даврларда соҳада кўплаб самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, болалар ўли-



цина ва зардоблар илмий тешириш институти директори ҳамда “ЎзФарманоат” давлат акционерлик концерни раиси лавозимларида фаолият олиб борди ва кўплаб хайрли ишларни амалга оширди. Ўша кезларда ишлаб чиқарилиши тўхтаб қолган вакциналар тикланди, “Ўзбиофарм” заводида ич терлама, БЦЖ, дифтерияга қарши вакциналарни ишлаб чиқариш йўлга қўйил-

иджалол Баҳромовнинг гематология бўйича 450 га яқин мақолалари Ўзбекистон, Марказий Осиё, Россия, АҚШ, Германия, Туркия, Исроил, Малайзия ва бошқа давлатларнинг журналларида чоп этилган, шунингдек, 20 дан зиёд врачлар учун қўлланма ва монографиялар ҳамда 10 га яқин ихтиролари мавжуд. Ноёб қон илми – клиник гематология фани бўйича 6 нафар фан доктори ва 12 нафар фан номзодини тайёрлаб, Ўзбекистонда гематолог-олимлар мактабини яратди. Ҳалоллик мартабани безайди деганларидек, Саиджалол Баҳромов ўзининг илм соҳасидаги ютуқлари ҳамда ўз касбга фидойилиги билан 1996 йилда Нью-Йорк Фанлар Академияси академиги, 2001 йилда Россия Тиббиёт Академияси академиги, 2014 йилда эса Россия Фанлар Академияси академиги бўлди. 2018 йилда Қирғизистон Республикаси Тиббиёт Академияси фахрий профессори, 2020 йилда Миллий Фанлар Академияси фахрий академиги этиб сайланди ва 2022 йилда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Қаҳрамонимиз доимо жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб келган. Жумладан, Ўзбекистон гематолог ва трансфузиология Ассоциациясини ташкил этиб, узоқ йиллар давомида раислик вазифасини бажарган. Ҳозирда у ушбу Ассоциациянинг фахрий раисидир. Бундан ташқари, илк бор Ўзбекистон тиббиёт генетиклари илмий жамиятини ташкил этган ва бошқарган. Айни пайтда Саиджалол Баҳромов фаолиятни давом эттириш билан бирга “Шифо-инфо” газетаси хайъати раиси, бир неча Республика ҳамда хорижий мамлакатларнинг нуфузли журналларида хайъат аъзоси сифатида иштирок этиб келмоқда.

# КОМИЛ ИНСОННИ КОИНОТДАН ИЗЛАМАНГ...

КОМИЛ ИНСОН СИЗНИНГ ВА БИЗНИНГ ЗАМИНДОШИМИЗ ВА ЗАМОНДОШИМИЗ

“Нукус” ва “Тошкент” номлари билан Халқаро ферментлар классификаторига жойлаштирилди. Гемоглобинопатиялар бўйича текширилган аҳолининг ўзбек миллатига мансуб қисмида талассемия хасталиги 3,3 фоизда қисмида қайд этилиб, илгари Ўзбекистонда ташхис қўйилмаган янги касаллик юзага келди. Ҳозирда юртимизда ушбу касалликка эга беморлар диспансер кузатувда туради. Юқоридагилардан ташқари Г-6-ФДГ ва талассемияларнинг Ўзбекистонда тарқалишига оид хабарлар тузилиб, амалиётга тадбиқ этилган. Мазкур касаллик бўйича Саиджалол Баҳромов ҳамда шогирдлари томонидан врачларга қўлланма, монография ва мақолалар чоп этилган. Олимнинг илм соҳасидаги илмий изланишлари тиббиётнинг глобал муаммоси дунёда кенг тарқалган темир танқислиги камқонликлари ҳамда ўткир оқ қон (лейкозларни) касаллигини даволашга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Темир танқислиги камқонликларининг келиб чиқиши сабабларини аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ва даволаш ишлари болалар, ўспиринлар, аёллар ва кексаларда чуқур ўрганилди. Олиб борилган натижалар асосида темир танқислиги камқонликларининг ташхиси алгоритми яратилиб, даволаш ишлари давом эттирилди.

ми кўрсаткичи анча пасайди, аҳолининг вирусли гепатит билан касалланишини кўрсаткичлари кескин камайди. Бунинг баробарида, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида қуйидаги натижаларга эришилди. 4000 нафар бўлажак шифокорлар Россия давлатига тиббиёт ва фармацевтика институтда ўқиш учун юборилди, Пойтахтимизда II-Тошкент Давлат тиббиёт институти очилди, буюк табиб-олим Ибн Сино таваллуд топган азм Бухорода мустақил янги Тиббиёт институти ташкил этилди. Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институтига айлантилди ва Ўзбекистон тасарруфига ўтказилди. Собиқ иттифоқ тасарруфидаги Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳам юртимиз ихтиёрига ўтказилди. Ўзбекистонда тиббиёт илмининг янада равангага эришиш учун қуйидаги ишлар бажарилди. Тошкентда собиқ иттифоқ тиббиёт фанлар Академиясининг Ўрта Осиё бўлими ташкил этилди, собиқ иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли илмий текшириш институтларининг мамлакатимиздаги филиаллари ватанимиз тасарруфига бирин-кетин ўтказилиб, мустақил илмий текшириш институти ва илмий марказларга айлантилди.

Саиджалол Баҳромов 1994-1997 йилларда Тошкент вак-

ди, соҳа олимлари томонидан яратилган янги туберкулин, кутуриш, кўк йиринг таёқчаси чақирувчи касалликларга қарши ишлатиладиган иммун препаратларни ишлаб чиқаришга рухсатномалар олинди.

Маънавият ва маърифатни ўзига қурол деб билган Саиджалол Баҳромов вазирлик мусассислигидаги “Сихат-саломатлик” журналини ташкил этиб, икки йил давомида бош муҳаррирлик вазифасини бажариб келди. Қалбида эзгулик хислатларини мужассам этган олим ҳозирда Ўзбекистон Республикаси “Анемия ва лейкокемия” хайрия жамоат фондида (академик Саиджалол Баҳромов номи билан аталган) 16 йилдан буён халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Эътирофлиси шундаки, Са-

*Хулоса ўрнида айтишим жоизки, таниқли олим Саиджалол Баҳромов юртимиз тиббиётда ўзининг ибратли мактабини яратди. Айни кунларда 85 ёшни қарши олаётган мақоламиз қаҳрамони ҳамон фаолиятини давом эттириб, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашдек эзгу ишларда фаол иштирок этиб келмоқда. Шундай экан, биз аввало, камтарин инсон Саиджалол Баҳромовни 85 йиллик таваллуди айёми билан самимий қутлаб, мусатҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилаб қоламиз.*

**Эркин ТУРСУНОВ.**  
Тошкент педиатрия тиббиёт институти профессори.

## ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИ

КИМЛАР ИМТИЁЗЛИ ТИББИЙ СУҒУРТА  
ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНА ОЛАДИ?

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси шартнома тузган тиббиёт муассасаларида имтиёзли тоифага кирувчи беморларга кўрсатилган хизмат учун сарфланган харажатлар давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади.

Ўзбекистонда 2023 йилда имтиёзли тоифадаги шахсларни даволаш харажатларини қоплаш учун жами 662,8 миллиард сўм маблағ ажратилди. “Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Республика ҳудудида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимига ўтказилган давлат тиббиёт муассасаларида ҳамда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатига киритилган касалликларни даволаш харажатларини базавий нархларда тўлиқ қоплаб беради”. Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахсларга болаликдан ногиронлар, чин етимлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, уруш қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шах-

слар, Чернобыль АЭС фалокатини тугатишда иштирок этган шахслар жумласига кирувчи ногиронлар, Байналмилалчи-жангчилар, “Ижтимоий химоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб рўйхатга олинган оилаларнинг аъзолари ва бошқалар киради. Давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимига 14 та Республика даражасидаги, 2022 йил 1 октябрдан 12 та Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази қўшилган. Жумладан Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Академик Ё. Тўрақулов номидаги

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Болалар миллий тиббиёт маркази Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт марказларини санаб ўтиш мумкин. Жамғарма билан шартнома тузган тиббиёт муассасаларида имтиёзли тоифага кирувчи беморларга кўрсатилган барча турдаги юқори юқори технологик тиббий ёрдам учун сарфланган харажатлар давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади ва беморлар учун тиббий хизматлар бепул кўрсатилади.

Таъкидлаш муҳимки, мамлакатда 52 та ҳудудий тиббиёт муассасалари ва 33 та нодавлат тиббиёт ташкилотлари бу жараёнларга жалб этилган. Улар беморларнинг ўз яшаш ҳудудларида юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имконини яратишмоқда. Натижада беморларнинг Тошкент шаҳрига келиб, овора бўлишларининг олди олиниб, уларнинг вақти ва маблағлари тежалмоқда. Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси 2022 йил давомида 58 минг нафар бемор даволаниши учун давлат бюджетидан 556,1 миллиард сўм маблағ



йўналтирди.

2022 йил Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида амалга оширилган эндоваскуляр операциялар сони 160 тани ташкил этди. Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси бунинг 2 миллиард сўми-

ни қоплаб берган. Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази 25 нафар беморда жигар, 270 нафар беморда буйрак трансплантацияси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.

**Шунингдек, гемодиализ хизматлари учун тўловлар 2023 йилдан бошлаб Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан амалга оширилади. Шунингдек, давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга кўрсатилган тиббий хизматлар рўйхати ҳамда базавий нархлари янада такомиллаштирилади.**

**Шухрат АЛМАРДОНОВ,**  
Давлат тиббий суғуртаси  
жамғармасининг бошқарма бошлиғи.

ЯНГИ ИШИ БОШЛАГАН САЛОҲИЯТЛИ  
ЁШ ШИФОКОРЛАРГА 1 МИЛЛИОН  
СЎМГАЧА УСТАМАЛАР БЕРИЛАДИ

Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди (рўйхат рақами 3416, 16.01.2023 й.).

Низомга кўра, Жамғарма маблағлари қўйидаги 2 йўналиш бўйича сарфланади:

75 фоизи барча давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ходимларини моддий рағбатлантиришга;

25 фоизи тиббиёт муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, модернизация қилиш ҳамда таъмирлашга.

Тиббиёт муассасаси ходимларига моддий рағбатлантиришнинг қўйидаги турлари қўлланилади:

Тиббиёт муассасасининг юқори малакали, алоҳида натижага эришган, ҳалол ва виждонан ишлаётган тиббиёт ҳамда фармацевтика ходимларига ойлик лавозим маошининг 100 фоизигача ҳамда бошқа ходимларга 75 фоизигача ойлик устамалар;

янги иши бошлаган салоҳиятли ёш шифокорларга 1 миллион сўмгача махсус ойлик устамалар;

оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда кундузги стационар иши вақтини сотат 20:00 гача узайтириши ҳисобига иккинчи сменада ишловчи шифокор ҳамда ҳамшираларга лавозим маошининг 30 фоизигача ойлик қўшимча устамалар;

тиббиёт муассасалари барча ходимларига касбий ва бошқа байрамлар муносабати билан бериладиган мукофот пуллари, шунингдек моддий ёрдам пуллари.

Ойлик фойзли устамалар тиббиёт муассасаси ходимларини рейтинг баҳолаш тизими асосида амалга оширилади.

@ssvuz

## БУНИ БИЛИШИНГИЗ ЛОЗИМ

Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 185-сон қарори билан тасдиқлаган низомга асосан амалга оширилади.

Унга мувофиқ, дори воситаси ва тиббий буюмни бериш пайтида дорихонанинг фармацевтик маълумотга эга бўлган ходими харидорга қўйидагилар ҳақида маълумот бериши лозим:

– дори воситаси

ва тиббий буюмни қўллаш тартиби,

– қўллаш даврийлиги, бир маротабалик ва суткалик дозалари,

– қўллаш усули,

– сақлаш тартиби,

– яроқлилик муддати ва бошқалар.

Шунингдек, дорихона ходими харидор эътибори

ДОРИХОНА ХОДИМИ  
БЕМОРГА ДОРИ ВОСИТАСINI  
ТАВСИЯ ҚИЛИШИ ТЎҒРИМИ?

ни дори воситаси ва тиббий буюмнинг қўллаш йўриқномаси билан танишиб чиқишга қаратиши керак. Дорихона ходими истеъмолчи (ёки бемор) ҳолатига кўра дори тавсия қилиши, шунингдек, даволочи шифокор кўрсатмасига биноан рецепт билан бериладиган дори воситасини рецепти-

сиз беришини, албатта, нотўғри деб биламан. Чунки беморнинг касаллик тарихи, ундаги физиологик ҳолат ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмай туриб, ўзбошимчалик билан дори тавсия қилиш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Қонунчиликка муво-

қунлик дозаси, қабул қилиш ёки юбориш усули, миқдори, давомийлиги ва бошқалар) унинг тиббий ҳисоб ҳужжатларида (касаллик тарихи, амбулатория картаси) қайд қилинади ва даволочи шифокор томонидан имзоланади.

Афсуски, шунга қара-

май, айрим дорихоналарда рецепт билан берилиши лозим бўлган дори воситаларини рецептсиз бериш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса ўзбошимчалик билан даволаниш ҳамда дори воситаларининг тартибсиз истеъмоли натижасида турли ноҳўя таъсирларни келтириб чиқармоқда.

**Шу ўринда, юртдошларимиздан дори воситаларини шифокор кўрсатмасига биноан харид қилишлари ва уларни истеъмол қилишда, албатта, қўллаш йўриқномасига қатъий амал қилишларини сўраб қоламан.**

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА,**  
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори маслаҳатчиси.

## ИХТИСОСЛАШГАН ЁРДАМ

НАМАНГАНДА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ  
МАРКАЗИ ФИЛИАЛИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Наманганда Республика кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази филиали иш бошлади. Муассасанинг очиш маросимида Наманган вилояти ҳокими Ш. Абдураззоқов, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори А.Юсупов, шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш тизими масъуллари, шифокор ва ҳамширалар иштирок этди.



Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан кейинги йилларда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлашга қаратилган кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ихтисослаштирилган тиббий хизматнинг энг мураккаб ва эҳтиёжталаб турларини худудларга кўчириш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бинобарин, турли касалликларга чалинган беморларнинг узоғини яқин қилиб, уларнинг дардига вилоятларнинг ўзида даволаш чоралари кўрилмоқда. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган ўнлаб тиббиёт марказларининг худудий филиалларини ташкил этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар фикримиз далилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 6 ноябрь куни кенгайтирил-

ган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 88-сонли мажлис баёни 27-банди ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 15.12.2020 йилдаги 338-сонли буйруғи ва Наманган вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2020 йил 31 декабрдаги 277-сонли буйруғини таъминлаш мақсадида вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг кўз касалликлари бўлими биносини жорий таъмирлаш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан жами 1 457 994 700 сўмлик смета хужжатлари тайёрланган эди. Шундан кейин вилоят ҳокимлигида 2022 йил 7 февраль куни ўтказилган ижроия аппарати йиғилиши қарори ижроси юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг кўз касалликлар биносини таъмирлаб, 60 ўринли Республика ихтисослаштирилган кўз микро-

хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали ташкил этиш мақсадида филиал Низоми ишлаб чиқилди. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори тиббиёт фанлари доктори, профессор Азамат Юсуповга тасдиқлатилди. Шунингдек, халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг 2022 йил 24 январдаги VI-29-4-6-0-К/22-сонли қарори билан филиалнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун 4,4 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ҳозирги кунда, "UZBEK CHINESE TRADING HOUSE LIMITED" фирмаси томонидан филиалга зарур бўлган замонавий тиббий асбоб-ускуналар рўйхатида кўрсатилган 17 та турдаги аппаратлардан 15 та

турдагиси, 322450 евролик замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Қолган 2 та турдаги - 34600 евролик аппаратлар хужжати божхона томонидан расмийлаштирилмоқда. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг кўз касалликлари бўлими биносини таъмирлаш ва янги филиал фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида маҳаллий бюджетдан 1 миллиард 500 миллион сўм ҳамда 17 турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун қўшимча 4 миллиард 400 миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада кўз касалликларини

даволашга мўлжалланган 60 ўринли замонавий шифохона ташкил этилди. Шуниси аҳамиятлики, Япония ва Германияда ишлаб чиқарилган юқори технологик тиббиёт асбоб-ускуналари аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконини беради. Энди вилоятимиз аҳолисининг шифо истаб пойтахтга қатнашига ҳожат қолмади. Бир неча турдаги кўз касалликларини шунинг ўзида даволаб, юртдошларимизнинг кўриш қobiliятларини Наманганнинг ўзида яхшилашга имконият яратилди.

Умид қиламизки, бу ҳали хайрли ишларнинг бошланиши, келгусида шу каби ва бошқа хасталикларни бевосита даволаш учун барча шарт-шароитлар яратилади.

Абдулла ҒОЗИЕВ,  
журналист.

## ФАН УҒҚЛАРИ

СИРДАРЁДА ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК  
ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Сирдарёда юрак қон томир тизимида муаммоси бор, имконияти йўқ 136 нафар беморда давлат тиббий суғуртаси жамғармаси маблағи ҳисобидан юрак коронар артерияларида юқори технологияли диагностика ва стентлаш амалиёти ўтказилди.



тасида тузилган шартномага биноан, давлат тиббий суғуртаси жамғармасидан маблағлар йўналтирилди.

– Бундан ташқари, ўтган ҳисобот йилида филиал мутахассислари томонидан юрак, юрак қон томир тизимида муаммоси бор бўлган 856 нафар беморда коронаронгиография текширувлари, 324 нафар беморда коронар артерияларида стентлаш, 2 нафар беморда ЭФТ ва РТА амалиётлари, 3 нафар беморга доимий электрокардиостимулятор ўрнатиш амалиёти, 5 нафар беморда кам учрайдиган юрак тугма нуқсонига окклюдер қўйиш, 22 нафар беморга шунтография, 3 нафар беморга вентрикулография ва бошқа юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари бажарилди, – дейди Сирдарё филиали директори Шухрат Хусанов. – Амалиётлар учун бундан бир, бир ярим йил муқаддам сирдарёлик беморлар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказига, Россия ва Ҳиндистон каби давлатларга боришга мажбур бўлган бўлса,



эндиликда бунга эҳтиёж қолмади. Барчаси шу ерда, Сирдарёда амалга оширилмоқда. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази, унинг Сирдарё филиалидаги "Рентгенэндоваскуляр" хирургия бўлимида юрак қон-томир тизими билан боғлиқ касалликлар билан хасталанган беморларга ёрдам

кўрсатиш мақсадида 30 турдаги юқори технологик амалиётлар йўлга қўйилди.

Мутахассислар малакаси ва тажрибасини орттириш мақсадида россиялик ва туркиялик мутахассислар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, улар иштирокида 19 нафар беморда юқори технологик жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Бу эса келгусида Сирдарёда юрак қон-томир тизими билан боғлиқ касалликка чалинган беморларга янгича, замонавий услубда тиббий хизмат кўрсатиш имконини беради.

ЎЗА.

Ушбу амалиёт Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сирдарё филиалининг "Рентгенэндоваскуляр" хирургия бўлимида бўлим бошлиғи, эндоваскуляр хирург

Хуршид Ҳакимов бошчилигидаги сирдарёлик мутахассислар томонидан муваффақиятли бажарилди. Бу турдаги юқори технологияли жарроҳлик амалиётига филиал ва Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ўр-

## АҲОЛИ МУАММОЛАРИ

Бухоро вилоят ҳокими Ботир Зарипов вилоят навбатчилик штабида одатдаги кечки муҳокама йиғилишини ўтказди. Худудларда аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича берилган топшириқлар ижроси таҳлил қилинди. Бу борада дастлаб соҳа масъулларининг ахборотлари тингланди.

Вилоят раҳбари бугун ҳам худудларда бир қатор муаммолар аниқланганлигини таъкидлаб, масъулларнинг муаммоларни ҳал этишдаги фаолияти қониқарсиз эканлигини қайд этди.

– Бугун давлатимиз раҳбари раисликларида ўтказилган йиғилишда барча даражадаги

## РАҲБАРЛАР ФАОЛИЯТИ КЕСКИН ТАНҚИД ҚИЛИНДИ



раҳбарларнинг энг катта вазирининг узлуксиз ишлашини фаши – электр ва газ тармоқла- таъминлаб бериш эканлиги,

лекин тегишли соҳалар мутасаддилари буни удалай олмаётганлиги айтиб ўтилди. Афсуски, бундай муаммолар Бухорода ҳам бор. Айниқса, сўнгги кунлардаги совуқ об-ҳаво шароитида фуқароларнинг коммунал тизим билан боғлиқ муаммолари ортди. Шу туфайли вилоят штабига, худудлардаги штабларга, қолаверса, ижтимоий тармоқлардаги мурожаатлар кўпаймоқда. Уларни ўрганиш ва ҳал этишда эса айрим секторлар ва соҳа раҳбарлари масъулиятсизлиги се-



зилмоқда, – деди Ботир Зарипов.

Шундан келиб чиқиб, масъулларга бор имкониятларни ишга солиб, мавжуд ресурсларни адолатли тақсимлаб, муаммоли маҳаллаларда одамларга ёрдам кўрсатиш, штабларга ва ижтимоий тармоқларга йўланаётган мурожаатларни зудлик билан ўрганиб, ҳал этадиган тизим яратиш топширилди.

Жумладан, электр энерги-

яси, табиий ва суюлтирилган газ таъминотида содир бўлган узиллишларни бартараф этиш, бозорлардаги нарх-наво, АИ-80 маркали бензин савдосининг барқарорлиги, жамоат транспортдан самарали фойдаланишни ташкил юзасидан муҳим вазифалар белгиланди.

Шунингдек, тиббиёт муассасаларидаги ҳолатларга ҳам жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

*Бундан ташқари, маҳаллаларнинг тоифаланган дафтларларда турувчи ёлғиз, бемор ва кўп болали оилалари ҳолидан хабар олиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш, суюлтирилган газ, кўмир, озиқ-овқат етказиб бериш бўйича ҳам топшириқлар берилди.*

Бухоро вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати.

## МАҲОРАТ, ТАЖРИБА, АМАЛИЁТ

Яқин-яқингача юртимизда елка бўғимлари касалликларини фақат консерватив йўл билан даволаш имкони мавжуд эди. Юқори технологик муолажалар талаб этилган ҳолатларда эса беморлар хорижда, асосан Ҳиндистонда операция қилинган.

да тиклаш пластикаси бажарилди. Авваллари юртимизда артроскопик йўл билан фақат каминвазив жарроҳлик амалиётлари ўтказилган. Эндиликда ундай операциялар йирик бўғимларда реконструктив ҳамда пластик муолажалар ўтказиш имконини бермоқда. Қолаверса, бугун-

## ЖИДДИЙ ОРТОПЕДИК ХАСТАЛИКҚА ЧАЛИНГАН БЕМОРДА БИР ПАЙТНИНГ ЎЗИДА ИККИ МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯ БАЖАРИЛДИ



Эндиликда бундай ноёб жарроҳлик амалиётлари ўзимизда ҳам ўтказилляпти. Хусусан, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида елка бўғимлари касалликлари елка артроскопияси каби юқори технологик операциялар ёрдамида самарали даволанмоқда. Кунни кеча мазкур муассасада шу каби мураккаб амалиётларнинг навбатдагиси ўтказилди. Бу галги операци-

янинг ўзига хослиги шундаки, жиддий ортопедик хасталикка чалинган беморда бир пайтнинг ўзида артроскопия ва елка-бўғимнинг турли тузилмалари шикастланиши-

ги операцияда илгари қўлланилмаган баъзи усуллар амалиётга киритилди. Энг муҳими, кам инвазив йўл билан бажарилган муолажадан сўнг бемор аввалгидек одатий ҳаётга қайтиб, ҳатто, спорт билан шуғулланиши мумкин.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, ўтган 2022 йил Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида елка бўғимлари касалликлари ва жароҳатлари бўйича 25 ўринли артроскопия бўлими фаолияти йўлга қўйилган эди.

**Яқин келажакда бу ерда чанок-сон, ошиқ-болдир, тирсак ҳамда кафт бўғимларида ҳам артроскопик йўл билан бундай ноёб операцияларни бажариш режалаштирилган.**

**Санжар ҚОДИРОВ,**  
Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази шифокори.

## ОРАМИЗДАГИ ИНСОНЛАР

## ИБРАТГА ТЎЛА ҲАЁТ ЙЎЛИ

Бу дунёда инсонлардан фақат яхши ном ва эзгу ишлар қолиши бор гап. Зеро, айтилган илиқ сўз, қилинган беминнат ёрдам унинг феъли эътиборни ифодалаб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишга пойдевор бўлишига замин яратади. Ўз касбининг моҳир устаси тажрибали педиатр Хуршидjon Ўринов ҳам ана шундай инсонлардан бирidir. Анча йиллардан бери тиббиёт соҳасида фаолият юритиб келаётган Хуршидjon Ўринов ҳозирда Ургут туман кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врач ўринбосарининг даволаш ишлари бўйича муовини вазифасида фаолият юритиб келмоқда. Малакали педиатрнинг ўз тажрибаси бор. Яъни бир неча йилдан буён ушбу йўналишда фаолият олиб боришга қарамай, ўз устида мунтазам ишлаб ҳамкасблари билан малака алмашади. Мақсад, беморларни дарддан фориг қилишда янги замонавий усулларини амалиётларда тадбиқ этиш. Малакали педиатр Хуршидjon Ўринов шогирдларига касб сир-синоатларини ўргатиб, касалликни ташхислаш ва даволашда ўз ёндошувлари билан ўртоқлашиб келмоқда. Ўз тажрибаси касбига бўлган жонкуярлиги сабаб, халқнинг дуосини олиб эл орасида обрў қозониб, қанчадан-қанча беморлар қалбидан жой олиб, дардига малҳам бўлмоқда. Айтиш керакки, тиббиётнинг барча йўналиши жумладан, болалар педиатри бўлиш соҳа ходимидан масъулият ва юқори малака талаб этади. Хуршидjon Ўринов ҳам ана шундай жонкуяр мутахассислардандир. Оилада севимли ота, вафодор ёр бўлган Хуршидjon турмуш ўртоғи билан икки ўғил бир қизни тарбиялаб вояга етказмоқда. Бир сўз билан айтганда, олий тоифали болалар педиатри Хуршидjon Ўринов болалар саломатлигини асраш, уларни соғлом ҳаётга қайтаришда асло чарчамайди.

Ўз ўрнида яқинлари, шогирдлари унга эҳтиром кўрсатиб, эзгу мақсадлари амалга ошишини тилаб қолади.

**Узоқ ОМОНОВ,**  
Самарқанд вилояти.

## МАВСУМ КАСАЛЛИГИ

**Қишнинг совуқ кунларида бир қатор мавсумий касалликлар авж олади. Шулардан бири – ревматизм. Унга кўпроқ 7-15 ёшли болалар чалинади ва хасталик ўғил-қизларда катталарга нисбатан оғирроқ кечади.**

Ревматизмни келтириб чиқарувчи энг асосий омил – оёқда ўтказилган сурункали тонзиллит. Яъни тез-тез томоғи оғриб турадиган болалар ангинаси ўз вақтида даволанмаса, 10-14 кун ўтгач, беморда ревматизм ривожланиши мумкин. Унинг ўткир шаклида ангинадан тузалган беморни маълум муддат ўтиб, яна юқори ҳарорат безовта қилади. Тирсак, биллак-кафт усти, тизза, болдир-оёқ панжаси бўғимлари ва танасининг бошқа қисмлари қизариб, шишади. 10-12 кун ўтгач, полиартритга хос барча аломатлар йўқолади. Аммо мазкур ҳолат вақтинчалик бўлиб, хасталик чоғида юракнинг мушак қавати, клапанлари, ташки

## РЕВМАТИЗМ БОЛАЛАРДА ЮРАК НУҚСОННИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИШИ МУМКИН

пардаси зарарланади. Хусусан, бу ҳолат юрак нуқсони шаклланишига олиб келади. Ревматизм бошқа аъзо ва тўқималар, чунончи, нерв тизимида ҳам жиддий асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Бунда боланинг оёқ-қўллари беихтиёр учиб туради, ўта кўзгалувчанлик, тез толиқиш кузатилади. Хасталикнинг ўткир босқичи-

да бемор, одатда, шифохонада муолажа олади. Касалхонадан чиққач ҳам узоқ вақт шифокори кузатувида бўлади. Ҳолсизланиш, тез чарчаш, рангпарлик, иштаха пасайиши, кечкурун тана ҳарорати кўтарилиши, баъзан бош оғриғи, юрак ўйнаши, хансираш, бўғимлар соҳа-

сидаги тери остиди майда, қаттиқ ва оғриқсиз “ревматик тугунчалар” ҳамда пушти, ҳалқасимон тошмалар ревматизмга хос аломатлардир.

Бу касалликдан асаб тизими шикастланганда, боланинг кайфияти ва ҳулқ-атвори ўзгариб, беҳаловат, эътиборсиз ва сержаҳл бўлиб қолади. Унинг

хотираси пасаяди. Бемор беихтиёр тартибсиз, беўхшов ва кераксиз ҳаракатлар қилади. Унинг кўзлари пирриллайди, юз мушаклари тортилади. Натижада бола ўзи мустақил кийиниб-ечина ва овқатлана олмайди. Шунингдек, туртиниб-суртиниб юра бошлайди.



Қайталама ревматизм даврида организмда иммунологик ва биокимёвий бузилишлар содир бўлиб, юракда ялғлашиш жараёни кучаяди.

*Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ревматизмга фақат мутахассис томонидан тегишли тегишувлардан сўнг аниқ таъхис қўйилиши мумкин. Агар ўз вақтида шифокорга мурожаат қилинса, беморни муваффақиятли даволаса бўлади..*

**Яшин АҲМАДОВ,**

**Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали директори.я**

## ФИДОЙЛАРИМИЗ

**Абдуқодир Сулаймоновлар оиласи Тошкент вилояти Оққўрғон туманининг бир чекка қишлоғида истиқомат қилишарди. Қишлоқда 3 та ҳудуд бўлиб, уларда 256 хонадон бўлиб, унда 800 нафардан ортиқ аҳоли яшар эди. Уларга бир нафар фельдшерлик-акушерлик тиббиёт пункти хизмат кўрсатарди.**

## КАСБИДАН БАХТ ТОПГАН ШИФОКОР

Қишлоқ аҳлининг фарзандларига 36-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф мактабларининг ўқитувчилари таълим ва тарбия беришар эди.

Мен синф раҳбари бўлиб ишлаган мактабда таълим олаётган иктидорли ўқувчим Абдуқодир ўзининг зукколиги ва пухта билим олишга интилиш билан тенгқурларидан ажралиб турарди, – дейди устози **Абдулла Қурбонов**. У мактабда аъло баҳолар билан ўқиши билан бирга узлуксиз фаолият олиб бораётган фан тўғралакларига мунтазам қатнашиб, мактаб программасига киритилмаган кўпгина темаларни пухта ўзлаштира бошлади. Бу унга Тошкент шаҳридаги олий даргоҳлар эшигини кенг очиб берди. У ўрта мактабни “Олтин медаль” билан тугатгани учун Тошкент тиббиёт институтига имтиёзли қабул қилинди. Фарзандларининг олийгоҳ талабаси бўлганлигидан отаси Усмонқул ака ва Ойимхол аялар ниҳоятда хурсанд бўлишди. Устозларининг таълим ва тарбиясини олган Абдуқодир институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, ординатурасини Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмасида муваффақиятли ўтади. У етук устозларидан жарроҳлик амалиётининг мураккаб томонларини пухта ўрганиб, уни амалиётда ишлатиш сирларини пухта ўзлаштирди ва 1995 йилдан

Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлимида ўз меҳнат фаолиятини бошлади. Бу ерда унга етук жарроҳ, тиббиёт фанлари номзоди Шавкат Қосимов устозлик қила бошлади.

Шавкат акам жуда талабчан устоз эдилар, – дея устозини алоҳида хурмат билан тилга олди **Абдуқодир Сулаймонов**. Ўғли Латифжонга қандай меҳр кўрсатган бўлсалар мени ҳам ўз фарзандларидай кўрар эдилар. Билмаганларимни қунт ва чидам билан меҳр бериб ўргатдилар. Эгнингга оқ халат кийиб, қўлинггаги скалпел билан одамлар қорнини ёрганинг билан жарроҳ бўлиб қолмайсанлар, қўлга скалпел ушлашдан олдин, жарроҳлик столига чиқиб, сенга келажакни ишониб топшираётган беморга яхшилаб қараб олгин. Чунки унинг келажакдаги соғлиги сенинг қўлингга. Беморларнинг ишончларини оқлаш сен амалга ошироқчи бўлиб турган масъулиятли ишларингга боғлиқ дея, устозим доим панду насиҳат қилар эдилар. Мана 30 йилдирки, устозларидан пухта билим ва амалий ишларни пухта ўрганиб, уни

*Элимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган оилавий шифокорларга соғлиқ ва саломатлик тилаймиз.*

**Пардабой ЭРГАШЕВ.**

амалиётга тадбиқ этиб этиб келётган Абдуқодир Сулаймонов 22 йилдан буён Оққўрғон тумани марказий шифохонасида жарроҳлик бўлими мудири, олий тоифали жарроҳ малакасида юзлаб беморларни дардларидан халос этиб келмоқда. Бу шунга яраша меҳнат камарини янада маҳкамроқ боғлаб меҳнат қилишга ундамоқда. Биз бўлимдаги “Миннатдорчилик ва шикоятлар дафтари”ни кўздан кичирар эканмиз, шифокорларга билдирилган юзлаб одамларнинг қалб сўзларини синчиклаб ўрганиб чикдик. Улар орасида Раҳмон Бўрибоев, Ўткир Тўрақулов, Умид Арапов, Жалолиддин Солиев ва бошқалар бор. Маҳалламизда Гулжаҳон Буркитбоева, Тўлан Мусурмонқулов, Тўлаган Жўраев, Қаршибой Ортиқбоев ва Холдор Аҳмедовлар оилалари катори Усмонқул Сулаймоновлар оиласини ҳам тилга олишиб, Абдуқодирни маҳалламиз фахри дейишиб, алоҳида хурмат ва эҳтиром билан тилга олишади, – дейди **қўшнисси Очил Умаров** унинг амалий ёрдамлари билан маҳалларимиздаги ҳамма аҳоли пунктларида одамларга тиббий хизмат кўрсатиш яқинлаштирилди. МФЙ марказида янги тиббиёт поликлиникаси қурилиб, мутахассислар билан таъминланди. Оилада ўзи каби фарзандлари Нодир ва Бобур, келинлари Марғубахон ва Ширинойлар ҳам тиббиёт илмини танлашган, улар оталари каби олий маълумотли етук мутахассислар. Абдуқодир Сулаймонов бошқараётган марказий шифохонанинг жарроҳлик бўлимида ишлаётган ҳар бир тиббиёт ходимлари катори бош ҳамшира Гулзода Ўтаминшоева, ҳамширалар Манзураҳон Сафарова ва Ҳусния Мустаевалар ҳам даволанувчиларга сидқидилдан хизмат кўрсатиб келишмоқда.

## ДИЛ ИЗҲОРИ

## БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ

Кейинги йилларда Президентимиз томонидан тиббиёт тизимига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Шунингдек, инсон саломатлигига бўлган ғамхўрлик ҳам бундан мустасно эмас. Даволаниш учун шифо масканларида бўлганимизда у ердаги шароитлар, малакали тиббиёт ходимларининг кўрсатаётган тиббий хизматларидан жуда мамнунмиз. Яқинда саломатлигимни тиклаш мақсадида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 1-шаҳар клиник шифохонасида даволаниб чиқдим. Айниқса, тиббиёт ходимларининг беморларга бўлган илиқ муносабати ва сифатли даво муолажалари туфайли дарддан тезда халос бўлишда ёрдам бераётганлигини гувоҳи бўлдим. Шунингдек, шифо масканидаги тозалик, озодалик кайфиятни кўтаради. Соғайиб оилам бағрига қайтишда ўз меҳнатларини аямаган, клиник шифохона бош шифокори Артур Ҳайдаров, бош шифокор муовинлари Севара Рустамова ва Бахтиёр Исломов, терапия бўлим бошлиғи Муҳаббат Қулабдуллаева, бош хирург Зоҳир Саидов, хирург Акмал Бобожонов, пульмонология бўлими бошлиғи Дилдора Усмонова, даволоччи шифокор Зиёдахон ва бир-биридан чакқон ҳамширалар ҳамда хўжалик бекаси Маликашонларга ўзимнинг чексиз дил ташаккуримни билдираман.

Бундан ташқари даво муолажаларини олиб дарддан фориг бўлишимда Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг бош шифокори Дилдора Рустамова, тажрибали шифокор Азизхон Фатхуллаевич, бош шифокор муовини Дилором Маруповна, даволоччи шифокорлар Санжар Латипович ва Жамол Ёқубовлар меҳнатини ҳам алоҳида эътироф этмоқчиман. Асосийси, улардаги касбга бўлган садоқат ҳамда инсонийлик фазилатларини хурмат қиламан ва машаққатли меҳнатларини қадрлайман.

**Юқорида меҳнатлари таҳсинга лойиқ бўлган шифокору ҳамшираларга мамнунлигимни изҳор этиб, иккала шифо масканининг тиббиёт ходимларига мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли ишларига зафарлар тилаб қоламан.**

**Вазира МУҲАММЕДОВА,**  
Тошкент шаҳри.

## ЗДОРОВЬЕ И МЕДИЦИНА

Распространение пищевых добавок заставляет многих ученых беспокоиться о долгосрочных последствиях для здоровья человека. Появляется все больше доказательств того, что рацион питания играет центральную роль в развитии воспалительных заболеваний кишечника, таких как язвенный колит и болезнь Крона. Недавно исследователи показали, что длительное употребление широко используемого пищевого красителя Красный очаровательный АС (Е129), содержащегося, в частности, в детских продуктах, является потенциальным триггером этих заболеваний.

## ЭПИЗОДИЧЕСКОЕ ПОТРЕБЛЕНИЕ БЕЗ ПОСЛЕДСТВИЙ?

Исследователи обнаружили, что постоянное воздействие Е129 пагубно сказывается на здоровье кишечника и способствует развитию воспаления. Краситель непосредственно нарушает функцию кишечного барьера и увеличивает выработку серотонина, гормона (нейротрансмиттера), находящегося в кишечнике, который впоследствии изменяет состав микробиоты кишечника, что приводит к повышению чувствительности.

Валиул Хан, ведущий автор исследования, профессор кафедры патологии и молекулярной медицины и старший научный сотрудник Исследовательского института здоро-

## ПРАВИЛЬНОЕ ПИТАНИЕ

ЛУЧШИЙ СОК  
ДЛЯ УКРЕПЛЕНИЯ  
ИММУНИТЕТА

Диетолог, врач превентивной интегративной медицины Римма Мойсенко назвала лучший сок для укрепления иммунитета, повышения уровня гемоглобина и прилива сил. По словам эксперта, максимальная польза для здоровья содержится в гранатовом соке.

"Он содержит большое количество антиоксидантов и антоцианов — активных веществ, поддерживающих иммунитет. Это природный иммуномодулятор. Так, гранатовый сок улучшает работу кишечника, где выводится 80% клеток, необходимых для иммунного ответа. В результате у человека прибавляется сил, он ощущает прилив энергии", — подчеркнула медик.



В данном напитке содержатся жирорастворимые витамины D, E и K и омега-3 полиненасыщенные жирные кислоты. Кроме того, он повышает уровень гемоглобина в крови, тем самым помогая в лечении анемии, продолжила врач.

Мойсенко отметила, что максимальную пользу от гранатового сока можно получить, приготовив его самостоятельно. После приготовления в него нужно добавить немного воды и выпить в течение получаса. Врач напомнила, что почти во все соки, приготовленные промышленным путем, добавляется сахар в качестве консерванта.

Мира МАРКИНА

ПИЩЕВЫЕ КРАСИТЕЛИ  
МОГУТ ПРОВОЦИРОВАТЬ  
ВОСПАЛИТЕЛЬНЫЕ  
ЗАБОЛЕВАНИЯ КИШЕЧНИКА

Факторы окружающей среды играют важную роль в развитии многих воспалительных и аутоиммунных заболеваний, в частности воспалительных заболеваний кишечника, включая болезнь Крона и язвенный колит. Это серьезные хронические воспалительные заболевания желудочно-кишечного тракта, от которых страдают миллионы людей во всем мире.

Было показано, что генетическая предрасположенность, несоответствующий иммунный ответ на нарушенную микробиоту кишечника

и факторы окружающей среды способствуют их возникновению. Поэтому легко понять, что еда играет центральную роль, особенно в западных странах.

Как правило, западная диета характеризуется высоким потреблением пищевых добавок, жиров, красного мяса и сахара и низким потреблением клетчатки, что провоцирует хроническое воспаление кишечника. Пищевые добавки, такие как эмульгаторы, стабилизаторы и синтетические красители, широко используются для улучшения текстуры, сохранности и эстетики переработанных продуктов питания.

В ряде исследований сообщалось, что высокие уровни этих добавок, таких как мальтодекстрин и диоксид титана, а также ингредиенты, добавляемые в процессе обработки пищи, включая пищевые эмульгаторы и искусственные подсластители, изменяют микробиоту кишечника. Они повышают проницаемость кишечника и уменьшают толщину слизистого барьера, тем самым способствуя развитию воспаления.

В этом контексте группа исследователей из Университета Макмастера (Канада) обнаружила, что постоянное воздействие Красный очаровательный АС (Е129) вредит здоровью

кишечника и способствует развитию воспаления, непосредственно нарушая функцию этого барьера.

СЛИШКОМ ЧАСТО  
ИСПОЛЬЗУЕМЫЙ  
СИНТЕТИЧЕСКИЙ  
ПИЩЕВОЙ КРАСИТЕЛЬ

В последние десятилетия резко возросло использование синтетических пищевых красителей, но исследований их влияния на кишечник и общее состояние здоровья было мало. Это связано с тем, что эти соединения метаболизируются с образованием свободных ароматических аминов в просвете кишечника, некоторые из которых являются потенциально канцерогенными и мутагенными. Среди них Красный очаровательный АС (FD&C Red 40 или Е129) является наиболее широко используемым красителем во многих странах. Его можно обнаружить в обычно потребляемых продуктах питания, предназначенных для детей (например, хлопья для завтрака, напитки и кондитерские изделия). Кроме того, предыдущие исследования показали, что этот краситель оказывает провоспалительное действие в печени и почках исследованных крыс. Доза 10 мг/кг массы тела, введенная перорально мышам, привела к значительному повреждению ДНК в их толстой кишке. Хотя он широко употребляется в нашем рационе, исследователи до сих пор не до конца понимают, как он влияет на воспаление кишечника.

В последние годы достигнут значительный прогресс в определении генов предрасположенности и понимании роли иммунной системы и микробиоты в развитии воспалительных заболеваний кишечника. Однако определение роли экологических факторов риска в этой области остается довольно слабым. Обнаружение потенциальной связи между этим широко используемым пищевым красителем и воспалительными заболеваниями кишечника само по себе требует дальнейших и более глубоких исследований в области пищевых красителей.

В последние годы достигнут значительный прогресс в определении генов предрасположенности и понимании роли иммунной системы и микробиоты в развитии воспалительных заболеваний кишечника. Однако определение роли экологических факторов риска в этой области остается довольно слабым. Обнаружение потенциальной связи между этим широко используемым пищевым красителем и воспалительными заболеваниями кишечника само по себе требует дальнейших и более глубоких исследований в области пищевых красителей.

New-Science.ru.

в пищеварительной системы семьи Фарнкомб, поясняет в своем заявлении: "Это исследование демонстрирует значительное негативное влияние Е129 на здоровье кишечника и определяет серотонин кишечника как критический фактор, опосредующий эти эффекты. Эти результаты имеют важное значение для профилактики и лечения воспаления кишечника".

Хотя периодическое воздействие на человека) в течение 12 недель не влияет на восприимчивость к колиту, воздействие в раннем возрасте делает мышей более восприимчивыми к колиту. Валиул Хан говорит: "То, что мы обнаружили, поражает истораживает, поскольку этот распространенный синтетический пищевой краситель является потенциальным диетическим триггером воспалительного заболевания кишечника. Это исследование — значительный шаг вперед в предупреждении общественности о потенциальном вреде пищевых красителей, которые мы потребляем ежедневно". Также он добавил: "Литература свидетельствует о том, что употребление Е129 также влияет на некоторые виды аллергии, иммунные нарушения и поведенческие проблемы у детей, такие как синдром дефицита внимания с гиперактивностью или без нее".

Хотя периодическое воздействие на человека) в течение 12 недель не влияет на восприимчивость к колиту, воздействие в раннем возрасте делает мышей более восприимчивыми к колиту. Валиул Хан говорит: "То, что мы обнаружили, поражает истораживает, поскольку этот распространенный синтетический пищевой краситель является потенциальным диетическим триггером воспалительного заболевания кишечника. Это исследование — значительный шаг вперед в предупреждении общественности о потенциальном вреде пищевых красителей, которые мы потребляем ежедневно". Также он добавил: "Литература свидетельствует о том, что употребление Е129 также влияет на некоторые виды аллергии, иммунные нарушения и поведенческие проблемы у детей, такие как синдром дефицита внимания с гиперактивностью или без нее".

## СОВЕТЫ СПЕЦИАЛИСТА

ЭКСТРАКТ ОДУВАНЧИКА  
ОКАЗАЛСЯ  
ЭФФЕКТИВЕН ПРОТИВ  
ВОЗБУДИТЕЛЕЙ ОМИКРОНА

Биохимики из университета Фрайбурга в ФРГ зафиксировали необычное свойство экстракта стандартного одуванчика. Как передает ТАСС Наука, он может усмирить размножение коронавирусной инфекции, а наиболее эффективен в отношении возбудителя штамма омикрон.

Кроме того, отмечается, что научную работу указали в электронной библиотеке bioRxiv. «Даже небольшие количества экстракта одуванчика способны более чем на 80% подавлять процесс размножения SARS-COV-2. Это было в особенности характерно для культур, зараженных штаммом омикрон», — уточнили специалисты

Ранее стало известно, что коронавирус постепенно превращается в формат ОРВИ, однако возникают новые штаммы. Об этом сообщил главный внештатный специалист Минздрава по инфекционным болезням Владимир Чуланов.

По словам эксперта, следует придерживаться профилактики. Врач посоветовал прибегать к маскам и обработке рук антисептиком. Кроме того, Чуланов подчеркнул важность ревакцинации. Он объяснил, что прививки являются эффективными.

Антон КОВАЛЬ.

## МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН  
АЗИЗ ШИФОКОРЛАР

Яқинда Навоий педагогика университети “Хорижий тил ва адабиёт инглиз тили факультетида таҳсил олаётган неварам Ботир Турдикулов кучли шамоллаш натижасида Навоий шаҳар касалхонасида даволаниб чиқди.

**И**нсон соғлиги-ни йўқотганда кимдир унга кўмак берса, кўнгли тоғдек кўтарилади. Айниқса, бундай эътирофли фикрларни тиббиёт ходимларига қарата айтгим келади. Уларнинг машаққатли, масъулиятли ва ша-рафли фаолиятларини хурмат қиламан. Чунки



бу касб эгалари 35 миллиондан ошди. Ўзбекистон халқининг соғлиги йўлида беминнат хизмат қилиб келишмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Одамларни рози қилмаган, инсон кадрини тушунмаган раҳбарларга орамизда ўрин йўқ” деган сўзларидан хулоса сифатида айтмоқчиманки, инсонлар кадрини тушунадиган раҳбар шифокорлар мамлакатимиз тиббиёт тизимида кўпчиликти ташкил этади. Янги Ўзбекистонда яшаймиз. Ана

шундай келажак порлоқ юртда ўз касбининг билимдони бўлган кўп сонли тиббиёт ходимлари меҳнатини қанчалар эътироф этсақда озлик қилади. Навоий вилоятида ҳам ўз касбига садоқат билан ёндошиб, халқимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари хизмати ҳам бундан мустасно эмас. Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва парази-

тар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилоят филиали ичак инфекция бўлими инфекционист врачлари, малакали мутахассис Тўлқин Муқимов ўзининг касбий маҳорати ва бой тажрибаси билан неварам Ботир Турдикуловни саломатлигини тиклашда амалий ёрдам берди. Оиламиз номидан малакали мутахассис Тўлқин Муқимов ва унинг жамоасига чексиз миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

**Уларга соғлиқ-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва масъулиятли ишларига муваффақиятлар тилаб қоламиз.**

**Турдикул МАМАНОВ,  
Ўз ХДП аъзоси,  
Қашқадарё вилояти, Халқ депутатлари Дехқонobod туман кенгаши депутати.**

## БОЛАГА КИТОБ БЕРИНГ

Бола миёсининг 90 фоизини унинг 3 ёшига қадар ривожланиб бўлади. Шу даврда болага китоб ўқиш мия ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

**У**ч ёшлик боланинг сўз бойлигига қараб у 3 синфда “ўқиш”дан неча баҳо олишини олдиндан билса бўлади. Кунига 15 дақиқа давомида болага китоб ўқиб берилса, у 1 йил мобайнида 1 миллионга яқин янги сўзни эшитган бўлади. Биринчи синф китобларини ўқий олмаган бола, кейинчалик 4 синф китобларини ҳам ўқий олмайди.



Мактабгача ёшдаги болаларга кўп китоб ўқилган бўлса, улар 1-синфга қадар бошқаларга нисбатан тезроқ алифбени ўргангани, 20 гача санай олади ва ўз исмларини ёза олади. Боланинг мактаб ёшигача бўлган даврида ота-онаси билан китоб ўқиши, уни мактаб даврида китобга қизиқувчанлиги ошишига олиб келади.

**Ёшлигидан китоб ўқишга одатланган болада тил нуқсонлари, гапиришда қийинчиликлар бўлиши кам намоён бўлади. Ўқиш бошқаларнинг ҳиссиётларини тушунишга ёрдам беради. Ўқиш боланинг билимлари асосидир.**

## САЛОМАТЛИК БУРЧАГИ

АЛЛЕРГИЯГА МОЙИЛЛИГИ БОР  
КИШИЛАР СОВУҚДАН ҚАНДАЙ  
ҲИМОЯЛАНИШЛАРИ КЕРАК?

**Аномал об-ҳаво шароитида баъзи беморларда совуқдан аллергия кузатилиши мумкин.**

**Б**у терида кизариш, шиш, пуфакчалар ва қичишиш каби аломатлар билан намоён бўлади. Ана шундай белгилар қайд этилса, аллергиялог-иммунологга мурожаат қилиш ва шифокор кўрсатмасига кўра, махсус синамаларни топшириш зарур. Шундан сўнг мутахассис тегишли даво муолажаларини белгилайди.

Хўш, бу турдаги аллергияга мой-

иллиги бор кишилар совуқдан қандай ҳимояланишлари керак? Аввало, қалин кийининг! Қўлқоп, бош кийим, шарф ва иссиқ пайпоқлардан фойдаланинг. Изғирин ҳароратда кўчага чиқишдан аввал шифокор тавсия этган ҳимоя кремлари ва махсус малҳамларни қўлланинг. Совуқ ичимлик ва егуликлар истеъмол қилманг. Ювиниш ва чўмилиш чоғида қаттиқ мочалкалардан фойдаланманг.

**Иммунитетни мустаҳкамловчи маҳсулотлар, дармондорилар, темир, кальций, цинк, калий, селенга бой таомлар истеъмол қилинг!**

**Илмира РАЗИКОВА,  
Республика илмий ихтисослаштирилган аллергиялогика маркази директори**

ИММУНИТЕТ ЗАИФЛАШГАНДА  
ҚАНДАЙ МАҲСУЛОТЛАР  
ИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАН МАЪҚУЛ?

**Қиш фаслида кўпчилиكنинг иммунитет тизими заифлашиб, мавсумий касалликлар авж олади. Хўш, бунинг олдини олиш учун қандай маҳсулотлар истеъмол қилиш лозим?**

**А**ввало, шўр, аччиқ ва ёғли таомлардан тийилиш зарур. Таркибида шакар ва кофеин бўлган маҳсулотлар истеъмолини ҳам чеклаган маъқул. Уларнинг ўрнига, ковок, сабзи, лавлаги, помидор, пиёз, саримсоқ, кўкатлар, сутли маҳсулотлар, олма, цитрус мевалар, ёғсиз гўшт, балиқ ва асал танавул қилиш тавсия этилади.

Ушбу ноз-неъматлар организмни минерал ва витаминлар билан тўйинтириб, иммунитет тизimini мустаҳкамлайди.

Тананинг касалликларга қарши қурашувчанлик қобилиятини оширадиган маҳсулотлардан бири — пиёз. У организмга тушган микроблар билан қурашиш, саратон хужайралари ўсишини тўхтатишга ёрдам беради, иммунитетни

оширади. Саримсоқ пиёз — стрессдан кейин танани тиклашга кўмаклашади, жигарни тозалайди. У яллиғланиш ва ўсмалар билан қурашиш учун ажойиб воситадир. С витамини ҳам иммун тизimini мустаҳкамлайди. У лимон, наъматак, апельсин, ширин қалампир, қора смородина таркибида кўп миқдорда мавжуд бўлади. Занжабил (имбирь) — организмнинг касалликларга қарши қурашувчанлигини тез қучайтирувчи минерал ва витаминларга бой маҳсулот. Кунига бир чой қошиқ асал истеъмол қилиш ҳам соғлиқ учун фойдалани.

**Бироқ аллергияга мойил, суррункали касалликлардан азият чекувчи кишилар бу маҳсулотларни истеъмол қилишда шифокорлар билан маслаҳатлашишлари зарур.**

**Ботир ТОЖИЕВ,  
Республика эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази директори.**



**Газета муассиси:  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**Бош муҳаррир  
Амрилло ИНОЯТОВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.  
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 675 нусха.  
Буюртма Г-135

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.